

Апрель
ҲБ

N 14 (663) • 2018 йил 3 апрель

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг XIV ялпи мажлиси якунлари

2018 йилнинг 29–30 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис давомида 20 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга қаратилган 13 та қонун кўриб чиқилди ва маъқулланди. Хусусан:

➤ «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонун. Унда давлат мукофотларининг турлари, уларни тақиб юриш тартиби белгиланди, мукофотга тақдим этиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси кенгайди.


➤ «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун. Қонунда жамоатчилик назоратининг субъектлари, объекти, унинг асосий тамойиллари белгиланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиши таъминланишининг муҳим омили бўлади.

➤ «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун. Унда давлат харидларини

давлат томонидан тартибга солиш нормалари акс эттирилган, давлат харидлари субъектлари қайд этилган, давлат харидлари жараёнига қўйиладиган умумий талаблар белгилаб қўйилган. Электрон дўкон орқали харид қилиш тартибининг киритилиши муҳим янгиллик ҳисобланади. Қонунда электрон дўконнинг ишлаши ва ундан фойдаланиш тартиби келтирилади, шунингдек, харидларни аукцион, танлов ва тендер орқали амалга ошириш, харид комиссияси фаолияти белгиланган.

➤ «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонун. Ҳужжатда ушбу хизмат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилди.

➤ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун. Қонун билан, шу жумладан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга ва Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Кодексга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан 3 йил муддатга мулк солиғи



ва ер солиғидан озод қилиш тарзида имтиёзлар бериш, ЯИТни пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинадиган даромадларга нисбатан ҳисоблаб чиқармаслик, солиқ солинадиган базани туристик фаолият субъектлари учун – туристик хизматларни онлайн-бронлаштириш ва сотиш бўйича дастурий маҳсулотларни ҳамда ахборот тизимларини жорий этишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтириш, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ЯСТни тўлашдан 5 йил муддатга озод этиш назарда тутилади.

Сенаторлар Марказий банк бошқаруви раисининг **Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** эшитдилар. Бошқарув раиси М.Нурмуратов ўз ҳисоботида пул-кредит сиёсати кучли инфляция босими сақланиб турган ҳамда иқти-

содийетдаги таркибий ўзгаришлар фаол босқичга ўтган, шу жумладан, валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлаштирилаётган бир шароитда олиб борилганини қайд этди. Шу сабабли асосий эътибор пул-кредит сиёсати воситаларидан самарали фойдаланишга қаратилди. Республикаимиз Президентининг 2.09.2017 йилдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижро этиш асносида 2017 йил сентябридан бошлаб миллий валюта айирбошлаш курсини аниқлашнинг бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди. 2017 йилда тижорат банкларининг жами капитали 2,3 баравар ортди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8%га ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ортиқдир. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортди ва 58,7 трлн сўмни

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Стратегик харидорлар сони кўпайди

Президентнинг 27.03.2018 йилдаги ПҚ–3625-сон қарори билан Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхатига қўшимча киритилди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг январь ойида 12 та ийрик компания (стратегик харидорлар) ва уларнинг улуши мавжуд бўлган ташкилотлар учун давлат харидларини амалга оширишнинг алоҳида шартлари

жорий этилган эди. Уларга шартнома суммасидан қатъи назар, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали контрактларни тузишга рухсат берилди. Ривожлантириш давлат дастурларини амалга оши-

риш доирасидаги харидлар, шунингдек Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда давлат кафолатлари орқали жалб қилинаётган кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган контрактлар бундан мустасно.

Стратегик харидорлар сони кўпайди. Улар сирасига яна 6 та акциядорлик жамияти: «Ўзпахтасаноат», «Ўзнефтьмаҳсулот», «Ўзбургунефтьгаз», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтьгазқазибчиқариш», «Ўзбекгеофизика» киритилди.

Тегишинча, Президентнинг 22.01.2018 йилдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3487-сон қарори билан белгиланган шартлар энди уларга ҳам татбиқ этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 28.03.2018 йилдан қўлға кирди.

7-бетда

Ушбу
сонда:

2-БЕТ

2018 йил I чораги учун
валюталар курси

3-6-БЕТЛАР

Бошқарувчи компанияларнинг
қизиқарли тажрибаси

8-БЕТ

Ҳаракатнинг рухсат этилган тезлигини
нима учун пасайтириш керак

Олий Мажлис Сенатининг XIV ялпи мажлиси якунлари



ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2 барабар кўпайди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 166,6 трлн сўмни ташкил этди.

Банклар фаол кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 барабар ортди ва 110,6 трлн сўмни ташкил этди. Хусусан, тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 трлн сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилга нисбатан 1,3 барабар кўпроқдир.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда манаувиий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун 1,8 трлн сўмлик ипотека кредитлари берилди. 2017 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш, банк

тизимининг молиявий барқарорлигини, унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ролини янада мустаҳкамлаш ва инвестиция жараёнида иштирокини фаоллаштириш



имконини берди, шунингдек, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлади.

Сенаторлар ҳисобот муҳокамаси давомида Марказий банкнинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар бердилар. Банк фаолиятини назорат қилишнинг халқаро принциплари та-

лаблари ҳамда бошқа чора-тадбирлар асосида капиталнинг етарлилиги, тижорат банкларининг ликвидлиги ва барқарорлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш тавсия этилди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

➤ Сўнгра сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масаласини кўриб чиқдилар. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас

қисми ҳисобланиб, халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва аъёналарини ўзида акс эттиради.

Бироқ кейинги пайтларда оилавий тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини иноватга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини

менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда. Оилавий тадбирлар билан боғлиқ жуда катта ортиқча сарф-харажатлар оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳолига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Таҳлилларга қараганда, ёш оилалар ўртасидаги аксарият ажралишлар тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан можаролар оқибатида юз бермоқда.

Оилавий тадбирларни тартибга солиш жамият учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги боис, аҳоли томонидан билдирилган тақлиф ва фикрларни иноватга олиб, мазкур масалани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мукамаллаш ишлаб чиқиш мақсадида Сенат «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

Хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан 2018 йилги ДИНАМИКАСИ*

Ўзгариш оий	Ўзгариш кун	1 Англия фунт стерлинги	1 АҚШ доллари	1 евро	1 Туркия лираси	1 Швейцария франки	10 Жанубий Корея вон	10 Япония иенаси	1 Россия рубли	1 Украина гривнаси
Январь	5	10 996,71	8 136,67	9 775,40	2 151,93	8 321,41	76,40	722,30	142,37	292,21
	9	11 036,48	8 139,00	9 787,96	2 177,89	8 342,56	76,30	719,00	143,05	288,72
	16	11 199,64	8 146,38	9 965,47	2 172,08	8 438,35	76,80	736,50	143,97	285,36
	23	11 318,47	8 163,93	9 978,77	2 134,25	8 478,48	76,40	736,90	144,08	282,88
Февраль	30	11 557,27	8 175,77	10 146,13	2 175,74	8 733,86	76,80	751,70	145,24	286,87
	6	11 555,06	8 186,95	10 196,85	2 170,40	8 799,39	75,10	743,90	144,86	294,07
	13	11 349,03	8 188,33	10 057,73	2 148,72	8 728,63	75,60	753,50	140,96	303,05
	20	11 482,01	8 182,73	10 158,86	2 184,16	8 821,40	76,60	769,30	145,10	303,01
Март	27	11 441,11	8 171,64	10 060,92	2 159,18	8 746,27	76,10	766,40	145,89	303,21
	6	11 263,94	8 163,46	10 059,02	2 144,16	8 721,65	75,50	773,50	143,57	306,21
	13	11 281,31	8 140,06	10 030,18	2 137,68	8 573,90	76,60	765,10	143,37	311,88
	23	11 494,38	8 118,07	10 037,18	2 079,32	8 568,79	75,80	767,40	142,85	308,91
	27	11 490,64	8 114,86	10 039,70	2 040,96	8 570,83	75,00	773,90	142,21	309,14

*ЎЗР Марказий банки томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган. Курслар МБ мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда белгиланган.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Кўкаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

УШБУ СОНДА	• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ – Олий Мажлис Сенатининг XIV ялпи мажлиси якунлари 1-2-бетлар	• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ – Суғурта бадаллари нима учун тўланади – Дастурни ташувчиси билан бирга сотиб оламан 2-бет	таъмирлашга кредитлар олмоқда – Нимага пул тўлаяпмиз? – Аниқ ҳисобга олиш қачон йўлга қўйилади? – Айлиниб чиқишлар даврийлиги белгиланмаган – Пеня қандай ҳисобланади? 3-6-бетлар	• АВТОНОРМА – Автомобиль носоз бўлганда – Маълумотнома муддати – Тезликни камайтиришни кўзлаб 8-бет
	• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этимиз 1, 7-бетлар	• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ – ХУМШсиз уйлар капитал		• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН – Янги ДСТга мувофиқ белгилар 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarl birlashgan tahririyati МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ ХУМШсиз уйлар капитал таъмирлашга кредитлар олмоқда
- ✓ Нимага пул тўлаяпмиз?

- ✓ Аниқ ҳисобга олиш қачон йўлга қўйилади?
- ✓ Айланиб чиқишлар даврийлиги белгиланмаган
- ✓ Пеня қандай ҳисобланади?



Фойдали тажриба

ХУМШсиз уйлар капитал таъмирлашга кредитлар олмоқда

Тошкентдаги ХУМШ ташкил этилмаган 22 та кўп квартирали уй (ККУ) капитал таъмирлаш учун кредитлардан фойдалана олади. Юнусобод мавзесининг 19-даҳасида фаолият юритувчи «Кафолат Таъмир» профессионал бошқарувчи компанияси (БК) ана шундай имконият билан таъминлайди. У мазкур уйларга тўлиқ хизмат кўрсатади. Бугунги кунда у ХУМШсиз кўп қаватли уйларга кредит маблағларидан фойдаланиш, шунингдек 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастурида (24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарор билан тасдиқланган) иштирок этиш имконини берувчи пойтахтдаги ягона БК ҳисобланади. Фуқаролик ва Уй-жой кодексларида турар жойлар мулкдорларининг юридик шахс (ХУМШ) ташкил этмасдан умумий мол-мулкни бошқариши вариантига йўл қўйилган. Бу ҳақда «Норма маслаҳатчи» газетасининг 6.03.2018 йилдаги 10-сониди, шунингдек бошқа сонларимизда батафсил ёзган эдик. Бироқ қонун ҳужжатлари тартибга солинмаганлиги сабабли уларнинг кредит олишлари, Дастурда иштирок этишлари мушкул.



«Кафолат Таъмир» БК директори
Лариса Привалова.

*Таҳририят истилофли вазиятларни тахсил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Бу уй ҳўжалигини шу тариқа бошқариш усулини танлаган квартира соҳибларида саволларни юзага келтиради. Кўпчилик ҳаққоний равишда чекловларни асоссиз, уларнинг ҳуқуқларини камситувчи деб ҳисоблайди. Зеро улар кўп квартиралари турар жой фондида кирувчи худди шундай уйларда яшайдилар. Давлат томонидан ККУни сақлаш шартномаларини яхшилашга йўналтирилган кўмак чоралари уларни четлаб ўтмаслиги керак. ХУМШсиз уйлар учун бошқарувчи компания томонидан қарз маблағлари олиниши амалиёти – капитал таъмирлаш масалаларини ҳал қилиш имконини берувчи тажриба.

БК бундай уйлар учун кредитларни ширкатлар ўз аъзолари бўлган кўп қаватли уйлар учун қилганидек расмийлаштиради. ККУ аҳли қарз маблағларини қайтара олмаслик хатари боис улардан фойдалана олмайдилар. Кредитларсиз эса капитал таъмирлаш режаси бир неча йил кейинга, аҳоли ётарли маблаг тўплагунга қадар сурилиб бораверади. Мазкур ҳолатда «Кафолат Таъмир» БКнинг самарали фаолияти, унинг амалий нуфузи, кўп қаватли уйларни лозим даражадаги техник ҳолатда сақлай олиши кредитлардан фойдаланиш имконини таъминлайди. Бу билан у кредиторлар учун ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлади. Бадал миқдорининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, шунингдек мулкдорларнинг тўлов интизоми – бу ҳам компания ишининг натижасидир – қарз маблағлари қайтарилиши кафолати саналади.

Дебача

Илк ХУМШсиз уйлар 2006 йилда БК қаноти остига келди. Мамлакатда ширкатлар ташкил этила бошлаганда уларга ушбу соҳа вакиллари эмас, балки шифокорлар, педагоглар, ҳарбийлар, савдо ва бошқа соҳа ходимлари

уларга ХУМШсиз хизмат кўрсатиш вариантини таклиф этди. Мулкдорлар умумий йиғилишда уларни ташкил этмаслик тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар. Баённомада уларга БК тўлиқ хизмат кўрсатишини ҳам қайд этдилар. У билан умумий мол-мулкни сақлаш хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш учун ҳар бир уйдан умумий йиғилиш ваколат берган мулкдорларни (уйбошиларни) сайладилар. Ҳар бир уйдаги квартира соҳиблари имзолаган қарорлар баённомалари нусхаларини БКга топширдилар.

Қонун ҳужжатларида талаб қилинганидек, мулкдорларнинг 100 фоиз розилиги билан, аниқса жорий масалалар мунтазам юзага келиб турганда, қарор қабул қилишга эришиш жуда мушкул. Шу сабабли уйбошилар БК бошқаруви аъзолари ҳисобланадилар, у мазкур масалаларни тезкор ҳал этади. Уй аҳлини умумий йиғилишларга тўплаш ҳам қийин. Ишончномалар бўйича мулкдорлар номидан, йиғилишларда уларнинг манфаатларини ифодаловчи уйдаги квартира соҳиблари гуруҳи овоз беради. Ишонч билдирилган шахслар ва уйбошилар қарорлар ҳақида уй эгаларига маълум қиладилар. БК йилига 2–3 марта, мактабда, 22 та уйнинг барчаси учун, зарурат бўлганда – алоҳида уй аҳли учун ҳисобот йиғилишларини ўтказилади.

Айни пайтда компания ХУМШ ташкил этилмаган 2 та тўққиз қаватли ва 20 та беш қаватли уйга хизмат кўрсатмоқда. Улардаги квартираларнинг умумий сони 2 312 тани ташкил этади. Бундан ташқари, БК яна 2 та ХУМШга хизмат кўрсатади.

Катта режалар йўлида

Бошқарувчилар ишлар режалари, сметалар тузилдиган, устувор вазифалар белгиланадиган йил бошида қарз маблағларига эҳтиёж бор-йўқлигини аниқлаб оладилар. Улар квартира соҳибларининг умумий йиғилишлари қарори билан тасдиқланади. Сўнгра БК бошқаруви ХУМШ каби кредит олиш учун ҳужжатлар пакетини йиғади. Сўғурта компанияси билан ҳам шартнома ту-



Маҳалла кўмитаси.

келди. Кўпчилик уй – мураккаб муҳандислик-техника объекти эканлигини, одамлар билан ишлаш эса кўп куч, тоқат, жонбозлик, муносабат ўрната олиш маҳоратини талаб қилишини тасаввур ҳам қилмас эди. Илк босқичда ширкатларнинг аксарият раҳбарлари уй ҳўжалигидаги муаммоларни ҳал қила олмадилар. Бир-икки йил ўтгандан кейин ҳаммасини ташлаб кетардилар. Уйларга хизмат кўрсатилмай қўйилганидан улар тобора аянчли ҳолатга тушиб борар эди. БК ширкатларга тўғри ва самарали ишлашда кўмаклашиш мақсадида 2001 йилда тузилди.

Кишки қаҳратон арафасида тақдир измига ташлаб қўйилган уйлар аҳолиси вакиллари БКга келиб, кўп қаватли уйларига тўлиқ хизмат кўрсатишни сўрадилар. «Кафолат Таъмир» БК директори Лариса Привалова



Болалар майдончаларидан бири.

зади. «Кафолат Таъмир» кредитларни қайтаришда ҳеч қачон муддатни ўтказиб юбормаган. Уй аҳли бадаллари БКнинг Савдогарбанкдаги умумий ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Худди ХУМШдаги сингари бадалларнинг бир қисми кредитларни сўндириш учун депозит счёта ўтади. Ажратмалар миқдори ҳисобланмаларнинг 40%ини ташкил этади. Айти пайтда аҳоли илгари 5 йилга 9% билан олинган қарз маблағларини тўлаяпти. Ҳозир эса уларни 10 йилга 14% билан бермоқдалар. Беш қаватли уйларда мажбурий бадал миқдори 1 кв.м учун 600 сўм, тўққиз қаватли уйларда 1 кв.м учун 700 сўмни ташкил этади. Нотурар жойлар мулкдорлари 1 кв.м учун 1 000 сўм тўлайдилар. Тўлов интизоми анча юқори. Бироқ ҳар бир уйда бадалларни ўз вақтида тўламайдиган 1–2 та мулкдор топилади. Улар асосан аҳолининг ижтимоий ночор тоифасидан бўлади.

– ХУМШсиз уйлар учун кредитларни 5 йилдан бери оламиз, – дейди Лариса Привалова. – Улар учун қарз маблағларининг умумий ҳажми 1 млрд 300 млн сўмни ташкил этди. Яримдан ортигини тўлаб бўлди. Аввал-бошдан уларни томи таъмирлаш учун олган эдик, уни фольгоизол билан қопладик. Сўнг кодли қулфлар, Акфа ромларини ўрнатиш, йўлаклар, ертўлаларни таъмирлаш, йўлакларга кираверишда соябонлар, видеокузатув камералари ўрнатиш, ҳудудни ободонлаштириш учун қарз олдик. Кредитлар ҳисобига ишларни бажаришда давом этаймиз. Бизнинг беш қаватли уйлариимиз «кемалар»: улкан кўп йўлакли уйлар эканлигини ҳисобга олиш лозим. Энг кичиги – 6 та йўлакли. Шу сабабли олинган қарз маблағлари етарли эмас. Аҳоли истагини инobatга олган ҳолда ушбу ишни давом эттирамиз. Май ва июнь ойларида 2 та кредитни тўлиқ қоплаймиз, сўнг янгисини олиш учун ҳужжатларни тайёрлаймиз. Бошқа уйларда соябонлар, видеокузатув камералари ўрнатишни якунлаш, йўлаклар, ертўлаларни таъмирлашда

давом этиш, том ёпиш материали захирасини таъминлаш истагидамиз. 5 йил давомида ушбу уйларда катта ҳажмдаги ишлар бажарилганлиги туфайли алоҳида муаммо туғилмайди.

Бадаллар, маълумотномалар, ижтимоий ёрдам

Аҳоли умумий мол-мулкни сақлашга бадалларни Ўзсавдогарбанк туман филиали касса очган БК офисида тўлайди. Бухгалтерия квитанция ёзиб беради, кишилар ўзлари учун қўлай усулда: нақд пул, пластик карта, иш ҳақидан маблағ ушлаб қолиниши орқали ҳақ тўлайдилар. Мажбурий бадаллар ва коммунал тўловлардан ташқари, касса исталган турдаги хизматлар учун ҳақни қабул қилади, бу кишилар учун жуда катта қўлайлик яратади. Ҳар шанба кuni соат 9 дан 12 гача бошқарувчи компания коммунал хизматлар ходимлари-га компания офисиди аҳолини қабул қилиш учун имкон беради. БК бухгалтерияси мажбурий бадаллар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда маълумотномалар беради.



Автомобиллар учун тўхташ жойларидан бири.

Мулкдорларнинг бадаллари қандай сарфланади? БК хизматлари ҳақи ҳисобланмаларнинг 33%ини ташкил этади. Бадалларнинг 40%и кредитларни сўндириш учун депозитга ўтказилади. 27%и – жорий хизмат кўрсатишга (электр энергияси, супуриндиқларни олиб чиқиб кетиш ҳақи, авария ҳолатлари ва бошқалар).

Аҳоли ташвиши билан машғул уйбошилар ишини рағбатлантириш мақсадида умумий йиғилиш қарори билан улар ойлик бадаллар тўлашдан озод қилинган. Йилда 2 марта – Наврўз ва Ўзбекистон Мустақиллиги кунига атаб уйбошиларнинг тавсиясига кўра ижтимоий ночор тоифага мансуб мулкдорларнинг мажбурий бадаллар бўйича қарзи

тўлиқ ёки 50% миқдориди ҳисобдан чиқарилади. Ижтимоий ёрдамнинг бундай шакли квартира соҳибларининг розилиги билан амалга оширилади.

Нуқтаи назар

Бошқарувчи компаниянинг ХУМШ ва у ташкил этилмаган уйларга хизмат кўрсатишида фарқ борми?

– Катта фарқ йўқ, – дейди Лариса Привалова. – Иккала ҳолатда ҳам одамлар шинам уйда яшашни хоҳлайди. Сақлаш учун маблағ жалб этиш лозим бўлган уйлар ҳам ўша-ўша. Бунинг учун мулкдорларга ўз вақтида бадаллар тўлаш мажбурияти худди шундай юклатилади. Моҳиятан олганда, бошқарувчи компания ХУМШсиз уйлар учун йириклаштирилган ширкат ҳисобланади. «Хусусий уй-жой

сантехник, пайвандчи, электрик) иборат штат тузилди. Бизнинг БК тўлиқ хизмат кўрсатиши учун 33% сарфланади. ХУМШсиз уй аҳлида ишларни бажаришга кўпроқ пул қолади, бадал унчалик ошмайди. Бошқача айтганда, кам сонли штат ходимлари билан камроқ бадал ҳисобига кўпроқ хизмат кўрсатамиз. Бу уйлар ХУМШга бирлашганда, шунча ҳажмини бажаро олмас эдик – уларнинг харажати кўпроқ бўлар эди. Аввалига «Кафолат Таъмир» ширкатлар билан шартномалар тузар эди. Ушанда тўлиқ хизмат кўрсатишимиз 20%ни ташкил этарди. Биз ишларни бажарар, улар эса биз билан ҳисоблаша олмас – маблағи йўқ эди. Бу эса БК учун зарардан бошқа натижа келтирмас эди.

Яна бир жиҳат, – дейди Лариса Николаевна. – Кимдир гапимга қўшилмаслиги мумкин, бироқ бир уйли ширкатлар аввалбошдан зарар кўриб ишлашга мажбур деб ҳисоблайман. Яшаб қолишлари учун кредит олишлари, катта миқдорда бадал белгилашлари керак бўлади. Кўпинча авария ҳолатлари юзага келади, маблағ йўқлиги боис бу муаммони тез ҳал эта олмайдилар. Ечими – бир нечта уйни ХУМШга бирлаштириш, кредит бўлган тақдирда ҳам таъмирлаш чоғида бадалларни қайта тақсимлаш. Ёки штат ташкил этмай, аввалбошдан ниёт қилинганидек, БКга хизматларни буюртириш лозим. БКни олсак, смета ва бадал миқдорини қанчалик аниқлик билан ҳисобламайлик, амалда барибир қандайдир кўзда тутилмаган ҳолатга тўқнаш келамиз. Бунда қарз олмасдан ишни битириб бўлмайди. Бироқ йил охирида ҳар битта уй сметада белгиланган параметрларга мувофиқ келади.

Нималар гов бўлиши ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Уй-жой фондини назорат қилувчи тузилмалар жуда кўп, ҳар бири ўзиникини маъқуллайди. Буни ширкатлар ҳам, БК ҳам ўзида ҳис этади. Уларнинг ишга аралашув фойда келтирмайди. Президентнинг ПК-2922-сон қарори билан 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури амалга оширилмоқда. Унда назарда тутилганидек, ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бюджет маблағлари ҳисобига бажарилади. Бироқ амалда кўпинча улар ширкатлар гарданига юклатилади. Бу Президент қарори қандай бажарилаётганлиги масаласи. Мамлакатимизда УХХ соҳаси ислоҳ қилинмоқда. У умидларимизни оқлаб, ККУни бошқаришдаги кўплаб муаммоларни ҳал этишда кўмак беришига ишонгимиз келади.

Ҳар бир уйнинг ўз жиҳати бор

Лариса Привалова, маълумоти бўйича иқтисодчи, тажрибали, ишнинг кўзини биладиган мутахассис. Қарийб 30 йилдан бери УХХ соҳасида фаолият юритади. Доим ўзгаришлар нафасини ҳис этиб ишлайди, уй-жой фонди бошқарувини йўлга қўйишнинг барча босқичларидан ўтган. Аввалига ЖЭКда, кейин эса кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатувчи ижара корхонасида иш олиб борган. Пойтахтда биринчилар қаторида бошқарувчи



Сут маҳсулотлари дўкони.

мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун – мен учун дастуриламал. Уй соҳиблари ўз бошпаналарини сақлаш ҳақида қайғурмайдилар, бу катта ютуқ. Муҳими, «Кафолат Таъмир» – профессионал компания. Бу сифат, масъулият демек. Штатда 22 киши ишлайди. Ўз ишлаб чиқариш базамиз, устахоналаримиз, ускуна ва жиҳозларимиз, токарлик цехи, қурилиш материаллари сақланадиган омборимиз бор. Барча ишларни компания ходимлари бажаради, у малакали мутахассислар жамоасидир. Иш сифатли бўлиши учун фақат цемент тортишга пудратчиларни ёллаймиз.

ХУМШсиз уйлар билан тўғридан-тўғри ишлаш фойдалироқ, – дея давом этади БК директори. – Аҳоли учун уларда штат йўқлиги афзаллик ҳисобланади. Кам сонли ходимлар билан 22 та уйга (2 312 та квартирага) хизмат кўрсатишимиз ҳам наф келтиради. Демак – БК хизматлари ҳақида кам харажат қилинади, мулкдорлар маблағлари тежалани. Зеро ширкатларда ҳисобланмаларнинг 50%га яқини кўп қаватли уйларни сақлашга эмас, балки ходимларнинг маошига сарфланади. 2–3 та уйни сақлаш учун улар камида 6 кишидан (фаррош, бошқарув раиси,

компанияни ташкил этиб, ХУМШни бошқарган ва бошқариб келмоқда. Улкан тажриба ва амалий кўникмага эга! Олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун «Шухрат» медали билан тақдирланган.

«Кафолат Таъмир» БК 3 та маҳалла ҳудудига жойлашган уйларга хизмат кўрсатади. Улардан бири – «Увайсий» маҳалласида «Замонавий маҳалла» пилот лойиҳаси амалга оширилди. Унинг доирасида маҳалла кўмитаси, кутубхона, новвойхона, гўзаллик саломи, дўкон, болалар майдончалари, шийпонча ва фавворалар қурилган дам олиш зонаси ва бошқалар қурилди. Пойтахтда бундай лойиҳаларнинг амалга оширилишини аҳоли турлича кайфиятда қабул қилади. Бироқ бу ерда ҳудуди, кўп қаватли уйлари ободонлаштирилган, ҳудди суратдагидек, инфратузилмаси йўлга қўйилган замонавий турар жой комплексини кўрдим. Бошқаларига ўхшамайдиган бундай микрорайонда яшашдан ҳеч ким бош тортмаслигига ишончим комил. «Увайсий» маҳалласи намунали объект сифатида танлаб олиниши бежиз эмас. Кўп қаватли уйлarning лозим даражадаги ҳолатда бўлишини таъминлаган барқарор, бир маромда ишловчи «Кафолат Таъмир» бунга кўп жиҳатдан замин яратди. Объектлар ҳомийлик ёрдами ҳисобига барпо этилди. Бироқ аҳоли ҳам маблағларнинг бир қисмини ободонлаштириш ишларига йўналтирди. БК ёрдамида автомобиллар учун тўхташ жойи, болалар

майдончаси жиҳозланди, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Замонавий офис – компания обрўсини таъминловчи бино қад кўтарди.

– Уй-жой соҳасида ишлаш мушкул, бироқ жуда мароқли, – дейди Лариса Николаевна. – Бу одамлар билан ва одамлар учун бажариладиган иш. Уларнинг ҳаётини янада қулайлаштиришдан ортиқ нарсa бормикин. Боз устига, бунинг учун уларнинг миннатдорлигини ҳис этаман. Кўпинча одамларга уй тирик организм сингари ҳар доим эътибор, қўйилма талаб қилади деб айтаман. Ҳар битта кўп қаватли уйнинг ўз жиҳати бор. Бу унда яшаётган кишиларга боғлиқ бўлса керак. Бир уйда қўшнилар доим: «Келинг, шу ишга киришамиз» деган таклиф билан чиқадилар. Бошқасида эса: «Бизга қачон қилиб берасиз?» қабилидаги гапни эшитасиз. Кишилар кўпинча фақат ташқи томонга назар ташлайдилар. Уй олди, соябонлар, ромлар чиройли бўлишини, ҳудуд ободонлаштирилишини истайдилар. Масалан, ертўлани таъмирлаш, муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш янада муҳим эканлиги ҳақида ўйламайдилар. Шу сабабли уларга устувор вазифаларни тўғри тушунтириш керак, ана шунда яхши ташаббусларни ёқлайдилар. Инсон омили жуда муҳим. Қўшнилар билан мурося қила олиш, улар билан аҳил, бир оиладек яшаш ҳам санъат. Уй аҳли билан ана шундай бирдам, тоғни ҳам талқон қила оладиган жамоа бўлишга эришганимиздан жуда мамнунман.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Мавзуга оид савол

Нимага пул тўлаяпмиз?



2018 йил январь ойидан мажбурий бадаллар миқдори 100%га тенга барабар оширилди. ХУМШдагилар у туман ҳокимининг қарори асосида оширилган деяптилар, бироқ ҳеч қандай ҳужжатни тақдим этмаяптилар. Нима учун ва қандай асосга кўра оширилган бадал тўлашимизга тўғри келишини билмаяпмиз. Аслида уйдаги электр шчитлар аянчли аҳволда. Йўлақлардаги лампочкаларни ўзимиз алмаштирамиз. Лифт кўпинча ишламайди. Уй ёнидаги йўлка ёмон ҳолатда.

Мажбурий бадаллар тўловига айнан нималар киритилган, ХУМШдан бадалларимиз учун қандай ишлар ба-
жарилишини талаб қилишга ҳақлимиз?

3.Чазова.

— «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ХУМШ аъзолари умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадалларни тўлаш-
лари шарт.

Кўп квартиралар уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги ихота-
ланган (ўралма) пиллапоярлар, зинапоярлар, лифтлар,
лифтинг шахталари ва бошқа шахталар, дахлизлар,
техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй

ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари,
жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан
ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, сани-
тария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа
ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланади
(Қонуннинг 28-моддаси).

ХУМШ аъзолари йиллик умумий йиғилишда келаси
йилги ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси
лойиҳаларини тасдиқлашлари керак. Ушбу ҳужжатлар
асосида умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадал
миқдори ҳисоблаб чиқарилади. Бадал уйни сақлаш: жорий
хизмат кўрсатиш, таъмирлаш бўйича барча харажатлар-
ни қоплаши лозим. Бошқача айтганда, ишлар режасига
киритилган ва умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган
ишлар ҳақини тўлашингиз шарт. Ишлар режасига уй аҳли
уй учун асосий деб ҳисоблаган ишлар киритилиши учун
улар умумий йиғилишда қатнашишлари, нима учун пул
тўлаётганликларидан бохабар бўлишлари даркор. Иш-
лар режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини
муҳокама қилиш чоғида уй эгалари бадал миқдори улар
учун жуда катта деган фикрни билдирсалар, қандайдир
ишларни режадан чиқартиришлари мумкин бўлади.



Менга сўз беринг

Аниқ ҳисобга олиш қачон йўлга қўйилади?

Коммунал хизматлар учун тўловларни электрон ҳисобга олишнинг жорий этилиши кишиларга бундан буён
нотўғри ҳисобланмалар сабабли ўз истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоялашга уриниб, идорама-идора юришдан
халос бўлишларига умид уйғотган эди. Боз устига, коммунал хизматлар ҳам ноинсоф ходимлардан тозалан-
ди. Мажбурий ижро бюроси тимсолида ҳисобланмалар устидан қатъий назорат ўрнатилди. Ҳар ҳолда ОАВда
ҳаммаси шундай акс эттирилмоқда. Бироқ амалда кўпинча бунинг акси бўлиб чиқмоқда.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



2017 йил февраль ойида кутилмаганда гўё қарийб 200 минг сўм миқдоридаги электр энергияси учун қарзни тўлаш ҳақида талабнома келди. Шикоят қилганимдан сўнг бу «техник хато» эканлиги ва қарзим йўқлиги маълум бўлди, бу «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» АЖ хати билан тасдиқланди.

2018 йил февраль ойида менга – энди Бюро номидан қарийб 200 минг сўмни тўлаш талаби яна қўйилди. Шикоятимдан сўнг ҳеч қандай қарзим йўқлиги аниқланди. Қарзим йўқлиги яна «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» АЖ хати билан тасдиқланди.

2018 йил март ойида тахминан 200 киловатт ҳақини олдиндан тўладим. Бир неча кундан кейин эса ek.uz/ru/cabinet/payment-public/terminal сайтида (коммунал хизматлар ҳақи тўланганлиги ҳақидаги маълумотлар)... 1 500 сўм қарзим борлигини кўрдим! Бюрога кўнғироқ қилдим. Ававалига улар электр энергияси билан шугулланмасликларини ва электр таъминоти ташкилотига мурожаат қилишим кераклигини айтишди. Бироқ Бюро тўлов тартиби, бунинг устига барча коммунал хизматлар бўйича асосиз қарзлар устидан назорат қилишга ваколатли эканлигини эслатганимдан сўнг манзилим ва ҳисоблагичнинг жорий кўрсаткичини сўрадилар. Икки дақиқадан сўнг олдиндан тўлов тўлаганимни, қарзим йўқлигини тасдиқлаб, сайтдаги маълумотларга тузатиш киритилишига ваъда бердилар (бунга ишонгим келади!).

Бу битта «электрон найранг» усули.

Бошқа усулини танишимда синаб кўрдилар. У ўз электрон ҳисоблагичи кўрсаткичларини ўша сайтдаги ҳисобга олувчи ёзувлар билан солиштира бошлаганда ҳар кун ёзувларда 1 – 1,5 киловатт электр энергияси қўшилиб бораётганининг гувоҳи бўлган.

Танишларимдан эшитадиган шунга ўхшаб далилларга, шунингдек ижтимоий тармоқлардаги материалларга қараганда, «хато» ҳолатлари истисно эмас, балки қоида тусига кирган. Нафақат электр таъминоти соҳасида, балки бошқа коммунал хизматлардан фойдаланишда ҳам уларга тўқнаш келмоқдамиз.

Электроника ўз йўлига, бироқ инсон омили ўз таъсирини йўқотмаяпти. У эса икки хил: ё «мендан кетгунча» қабилда, ёҳуд профессионал равишда, оқилна, иш сифати учун масъулиятни ҳис этиб, фуқароларнинг истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилган ва умуман бировнинг хатосини тузатишга кетказадиган асабини, вақтини тежаган ҳолда ишлаши мумкин. Фуқаро хорижга чиқиб кетганида, уй-жой билан боғлиқ битимларни расмийлаштираётганида ва бошқа жиддий ҳаётий вазиятларда бундай хатолар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйласам, этим жунжикиб кетади.

Тўғри, электроника – мураккаб нарсас, у билан ҳар қандай вазият юз бериши мумкин. Бироқ бу кам учрайдиган ҳолат бўлмай, кўпчилик фуқаролар билан бирин-кетин юз бераверса, муаммо электрони-када эмас, балки уни бошқарувчиларда эканлиги ҳақида беихтиёр ўйлай бошлайди киши.

В. С.

Тошкент ш.



Долзарб мавзу

Айланиб чиқишлар даврийлиги белгиланмаган



Электр энергияси ҳақини тўлашга борганимда ўтган ой учун қарзим борлиги маълум бўлди. Айтишларича, 10-санагача тўламасам, етказиб берувчи электр энергияси истеъмоли учун ўртача суткалик истеъмол бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақли экан. Мен тўловларни вақтида тўлаб келаман. Бироқ бу гал муайян сабабларга кўра мuddатни ўтказиб, 10-санадан кейин келдим.

Бир ой учун тўловни кечиктирган бўлсам, етказиб берувчи олдиндан тўловни талаб қилиш ва ҳисоблаб ёзишга ҳақли бўладими? Баъзилар йиллаб ҳақ тўламайди – улар хотиржам юрибдилар.

А. Ҳайдаров. Тошкент ш.

– Мазкур вазиятда олдиндан тўлов ҳақида эмас, ўтган давр учун электр энергияси истеъмолига ўз вақтида ҳақ

тўлаш зарурлиги ҳақида сўз бормоқда. Эслатиб ўтамиз, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнинг

12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова) 70-бандига мувофиқ, маиший истеъмолчилар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Акс ҳолда улар электр тармоқларидан мажбурий узилади.

Қоидаларнинг 69-бандида белгиланишича, **етказиб берувчи** электр энергияси истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли. Бу:

□ ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари ёзиб олинмаган;

□ электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан таҳдид этилмаган тақдирда амалга оширилади.

Бунда ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари назорат тартибида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қоидаларнинг 108-бандида ҳам худди шундай тартиб назарда тутилган.

Қоидаларнинг 3-бандида белгиланишича, **кўрсаткичларни назорат тартибида текшириш (айланиб чиқиш)** — Бюронинг ваколатли шахси томонидан электр энергиясини ҳисобга олишни ҳисоб-китоб қилиш асбобларидан электр энергиясининг ҳақиқий сарфи кўрсаткичларини олиш ва электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, ўлчов трансформаторлари, уларнинг улаш схемалари ва ўрнатилган пломбаларнинг бутлигини кўздан кечириш.

Бюро ходимларининг назорат тартибида айланиб чиқиш даврийлиги масаласи очиклигича қолмоқда.

Юридик шахсларга келсак, Бюро истеъмолчи (маиший истеъмолчилардан ташқари) билан биргаликда ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиш шарт (Қоидаларнинг 4-банди). **Маиший истеъмолчилар (жисмоний шахслар) учун эса назорат тартибида айланиб чиқиш даврийлиги белгиланмаган.** Бу эса турли вазиятларда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун жуда муҳим. Ҳисоблаб ёзиш даврийлигига келсак, Қоидаларда «даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда» формулировкасида кўп фойдаланилган. Бироқ даъво муддати — 3 йил. Етказиб берувчилар ушбу 3 йилни автоматик равишда ҳисоблайдиларми ёки фақат истеъмолчи даъво ишини кўзгатиш тўғрисида ариза берганидами?

Айни пайтда Қоидаларнинг 120-бандида «**охирги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб**, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга» формулировкаси назарда тутилган. Бунда электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (истеъмолчиларнинг айби билан) ёки прибор мавжуд бўлмаган, пломбалар бузилган ва амалда истеъмол қилинган электр энергияси кўрсаткичларини камайтириш мақсадида **айланиб чиқишда** кўз билан кўриб аниқланганидан бошқа қоида бузишларга йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида сўз бормоқда. Яъни назорат тартибида айланиб чиқиш даврийлигини аниқ белгилаш истеъмолчи учун муҳим аҳамиятга эга. Айланиб чиқишлар даврийлиги белгиланса, у қайси давр: 3 йил (даъво муддати) ёки бир ой (икки, уч ой, чорак ёки ярим йил) учун ҳақ тўлашига тўғри келиши аён бўлади, улар ўртасида катта фарқ бор. Аниқ регламент белгиланмаганлиги ҳужжатдаги нуқсон ҳисобланади деб хулоса чиқариш мумкин, ҳоло.



Бизга мактуб йўллабсиз...

Пеня қандай ҳисобланади?



Электр энергияси учун қарздор бўлиб қолдим. Натижада электр таъминоти ташкилоти пеня ҳисоблади. У қандай ҳисобланганини аңгламаяпман.

Электр энергияси истеъмоли учун қарз мавжуд бўлганда пеня қандай ҳисобланади?

И.Раҳмонова.

— Маиший истеъмолчилар электр энергияси истеъмоли учун тўлов бўйича қарздор бўлганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1% миқдориди, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Пеня ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин ва амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблардан сўнг, шунингдек, белгиланган тартибда киритилган

олдиндан тўлов ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг 11-кунидан бошлаб маиший истеъмолчининг аниқлаштирилган қарздорлик (тўланмаган қарз) суммасидан ўндирилади.

Пеняни ҳисоблаш учун қарздорлик ҳосил бўлган ой аниқланади ва қарз тўланган ҳар бир ой бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня шу ойдан бошлаб ҳисобланади (Қоидаларнинг 113-банди, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова).

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қандай ҳисобга қўйилади

Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.2018 йилдаги 238-сон қарори билан Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, жамғариб бориладиган пенсия тизимида (ЖБПТ) иштирок этиш икки шаклда амалга оширилади:

- иш берувчилар, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар учун – **мажбурий** (агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса);
- Хисобга қўйишга мурожаатни иш берувчи беради;
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар учун – **ихтиёрий** тартибда. Ҳисобга қўйишга мурожаатни фуқаро беради.

1 апрелдан қўйида баён этилган усуллардан бирида ЖБПТда ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини олиш мумкин.

1. Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этган ҳолда. Марказ ходими аризачи

номидан, белгиланган шаклдаги анкетани электрон тарзда тўлдиради. Марказ анкета тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни Халқ банкига юборади. Халқ банки анкета келиб тушгандан сўнг бир кун ичида Марказга хабарномани жўнатади, Марказ бир соат мобайнида аризачини ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

II. ЯИДХП орқали. Рўйхатдан ўтиб, тегишли хизматни танлагач, анкета мустақил равишда тўлдирилади. Анкета автоматик тарзда Халқ банкига юборилади. Аризачи ундан ЖБПТда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги электрон хабарномани олади. Порталга ҳар бир босқичда мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш имконини берувчи функционал ўрнатилади.

Шунингдек қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- а) ҳар иккала ҳолатда ҳам хизматни олиш учун ЭРИ талаб этилади. Марказга ўзи келиб мурожаат этганда ЭРИни жойида олиш мумкин;



б) анкетада фуқаронинг идентификация рақами (шахсий код) кўрсатилади. Агар унинг паспортда кўрсатилмаган бўлса, аризачи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан кодни сўраб олади.

в) ЖБПТда ҳисобга қўйиш бепул амалга оширилади;

г) давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун қўйидагилар асос бўла олади (бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади):

- аризачиларда ЭРИ мавжуд эмаслиги ёки уни олишнинг рад этилганлиги;
- анкетада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.04.2018 йилдан амалга киритилди.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага тузатиш киритилди

Молия вазирининг буйруғи (17.03.2018 йилда 2169-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, асосий воситаларнинг инвентарь рақамлари энди 10 белгидан иборат бўлади. Бу – ўзгармас миқдор (илгари зарурат юзага келганда қўйиш имконияти билан 8 белгидан иборат бўлган). Ҳар бир доирасида предметнинг тартиб рақами учун қўшимча 2 та белгининг ажратилиши ҳисобига ўзгариш рўй берди. Илгаригидек, дастлабки учта белги субсчёти, тўртинчи ва бешинчи белги – гуруҳни ифодалайди.

Иккинчидан, асосий воситалар эскиришининг қатъий меъёрлари белгиланди. Улар Солиқ кодексининг 144-моддасида келтирилган амортизация меъёрлари билан деярли бир хил. Фақат қўйидаги фарқлари мавжуд:

- Солиқ кодексидида меъёрлар энг юқори ҳисобланса, Йўриқномада худди шу қийматлар аниқ деб қабул қилинади (яъни камроқ ёки кўпроқ ҳисоблаб бўлмайди);
- эскириш меъёрларининг VII гуруҳи доирасида (бошқа гуруҳларга киритилмаган активлар);
- идора мебели ва асбоблари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш ускуналари ва бошқалар) учун 15 фоизлик амортизация меъёри жорий этилган (Солиқ кодексидида мазкур позиция назарда тутилмаган);
- бошқа активлар учун 10 фоизлик амортизация меъёри жорий этилган (Солиқ кодексидида ушбу позиция бўйича энг юқори меъёр – 15%).

Шунингдек белгиланишича, қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмаган капитал қурилиш объектлари ёки унинг қисмлари, шунингдек тугалланмаган қурилиш бўйича амортизация ҳисобланмайди. Мавсумий тусга эга бюджет ташкилотларида эса

эскириш суммаси молия йили мобайнида ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг 1/12 миқдориди ҳисобланади.

Учинчидан, белгиланишича, келгусида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларнинг кириш қилиниши 06-«Бошқа товар-моддий захиралар» ёки бошқа счётларнинг тегишли субсчётлари дебетида ва 090-«Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсчёти кредитида акс эттирилади.

Тўртинчидан, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига маблағларнинг келиб тушиши энди 12-«Бюджет маблағлари бўйича жорий йилдаги молиявий натижалар» счётининг тегишли субсчёти кредитида ҳам ҳисобга олинади. Илгаригидек, зарур ҳолларда 15-«Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти ва бошқа счётларда ҳисобга олишга рухсат берилди.

Бешинчидан, чоракнинг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметасида бўшаб қолган маблағлар тежаб қолинган деб ҳисобланмайдиган ва тегишли бюджетга қайтариладиган ёхуд унда қолдириладиган ҳолатлар белгиланди:

- тармок, штатлар ва контингент бўйича режа бажарилмаганда;
- тасдиқланган штат жадвалида назарда тутилган штат бирликлари тўлдирилмаганда;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар молия йили якуни бўйича тўлиқ ўзлаштирилмаганда;
- бюджет ташкилотлари фаолияти тўхтатиб турилганда – тўхтатиб турилган давр учун;
- тасдиқланган харажатлар сметаларида назарда тутилган, давлат молиявий назорати бўйича тадбирлар доирасида аниқланган ортиқча ёки қонунга хилоф равишда олинган маблағларнинг суммалари;
- қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ажратиладиган маблағлар миқдорларининг қисқартирилиши суммалари;
- молия йили бошига товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ захираларининг суммалари;
- дотациялар ва субсидияларни тўлаш учун мўлжалланиб, аммо зарурати қолмаган суммалар.

Бунда ходимлар сонининг тўлдирилмаганлиги натижасида бўшаб қолган маблағлардан бир йўла

бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажмининг ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бирга, ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун қўшимчалар белгилаш учун фойдаланилиши мумкин.

Бюджет ташкилотларининг молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлари кейинги молия йилига ўтади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади. Ўтган молия йилида фойдаланилмай қолган маблағлар кейинги молия йилида қайта тақсимланмай, ўша мақсадларда фойдаланилади.

Бюджет ташкилоти қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, ўзгартирилган) ҳолларда, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий газна ҳисобварақларидаги) қолдиқ маблағлар қайта ташкил этилган бюджет ташкилоти тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари тўхтатилган ҳолларда, бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи мазкур ташкилот тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тугатилган бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий газна ҳисобварақларидаги) маблағлар қолдиғи белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига (шахсий газна ҳисобварақларига) нотўғри келиб тушган маблағлар қайтарилиши тўловчи мурожаат қилган кундан бошлаб 10 банк куни мобайнида амалга оширилади.

Олтинчидан, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларида бухгалтерия ҳисоби Йўриқномага мувофиқ тобе муассасалар кесимида алоҳида юртилиштириш аниқлаштирилган. Параллель равишда 180-«Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётида энди марказлашган тартибда берилган моддий активлар билан боглиқ операциялар ҳисобга олинмаслиги белгиланди.

Еттинчидан, ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилмайдиган давр харажатлари 211-«Давр харажатлари» субсчёти дебети ва харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитида ҳисобга олиниши акс эттирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 18.03.2018 йилдан қучга кирди.



БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

Автомобиль носоз бўлганда

Фирмамизнинг автомобили техник кўриқдан ўтказилиши керак. Бироқ кўрсатилган муддатда техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш имконини бермайдиган айрим техник муаммолар юзага келди.

Техник кўриқдан ўтиш муддатини бошқа вақтга кўчириш мумкинми, бунда қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Акмал К. Тошкент ш.

— Сизнинг ҳолатда ДИХХнинг ҳудудий органига ёзма ариза ва техник кўриқдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар (ҳайдовчи гувоҳномаси, техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва тиббий маълумотнома бундан мустасно) билан мурожаат қилиш лозим (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 31-банди).

Бунда ДИХХнинг ҳудудий органи ходими рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги «NOSOZ» ёзувини қайд қилади ҳамда шахсий имзо ва муҳр (штамп) билан тасдиқлайди.

Носозликни бартараф этганингиздан кейин транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун тақдим этишингиз мумкин бўлади.

Низомга (30-банд) мувофиқ техник кўриқдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

➤ паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчилар — шахсий гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома);

➤ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ва (ёки) Адлия вазирлигида белгиланган тартибда аккредитация қилинган халқаро ва хорижий ташкилотлар ходимлари — тегишли вазирлик томонидан аккредитация қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари;

➤ бошқа хорижий фуқаролар — ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлиги

тўғрисида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси;

➤ фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси;

➤ техник кўриқдан ўтказишга берилган транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ҳайдовчи гувоҳномаси;

➤ транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);

➤ «Санатгеокоптехназорат» давлат инспекциясининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисига ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

➤ сертификатлаштириш органи томонидан берилган газ ёнилғисига ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати нусхаси;

➤ техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);

➤ техник кўриқдан ўтказиш шохобчасининг транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси — шундай маълумотнома бўлганда.

Маълумот учун!

Йўловчи ва юкларни шахар, шахар атрофи, шахарлараро ва халқаро автомобиль транспортда ташиш ҳуқуқи учун **ЛИЦЕНЗИЯЛАР** 5 йил муддатга **БЕРИЛАДИ**. Ушбу муддат лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маълумотнома муддати

Автоматбага кириш учун тиббий кўриқдан ўтдим ва бу ҳақда маълумотнома олдим. Бироқ у берилган муддат ўтиб кетганлиги ва тиббий кўриқдан қайта ўтишим кераклигини айтиб, уни қабул қилмадилар.

Автоматбадагилар ҳақлими?

А.Р. Тошкент ш.

— Автоматбага кириш учун тиббий кўриқдан ўтиш ва 083/х шаклдаги тиббий маълумотномани тақдим этиш зарур (АВ томонидан 27.06.2013 йилда 2472-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Тиббий кўриқдан ўтказиш муддати 3 календарь кунидан ошмаслиги керак. Авто-

матбададаги курсларда ўқишга қираётганлар учун маълумотнома кўпи билан **1 ой** олдин берилган бўлиши лозим. Курсларга ҳужжатларни ушбу муддат ўтгач топширган бўлсангиз, автоматба ходимлари маълумотномангизни қабул қилмай тўғри иш қилган бўладилар.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Тезликни камайтиришни кўзлаб

Асосий шахарлар ичидаги энг юқори тезлик Ўзбекистон пойтахтида рухсат этилганидан 10 – 20 километрга паст бўлган бир неча ўнлаб мамлакатлар тажрибаси ўрганилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳоли пунктларида 70 км/соат тезлик билан ҳаракатланишга рухсат этилган. Дунёдаги кўплаб мегаполисларда эса ушбу рақам 50 – 60 км/соатга тенг.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шахар ИИББ бошлиғи, генерал-майор **Рустам Жўраевнинг** сўзларига қараганда, бугун дунёда энг юқори ҳаракатланиш тезлиги 70 км/соатни ташкил этадиган мамлакатлар сони жуда камайиб кетган.

— Халқаро тажрибани ўрганганимизда Европанинг 29 та мамлакатларида тезлик 50 км/соатгача, Лондонда эса 48 км/соатгача чеклангани маълум бўлди. МДХнинг кўпгина мамлакатлари, хусусан, Россия, Қозоғистон, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда у 60 км/соатни ташкил этади. Биз ҳам ушбу йўналишдан бориб, мазкур масала устида иш олиб борамиз деган фикрдаман. Ҳозирча уни ўз

даражамизда кўриб чиқмоқдамиз, кейинчалик ИИБга тақлифлар билан чиқиб, вазирга ҳуқуқларни тақдим этишга имконимиз бор, — дея таъкидлади у.

Тезлик 10 км/соатгача камайтирилса, дея қайд этди Жўраев, ҳайдовчида вақтида тўхташ ва пьедани уриб юбормаслик ёки қандайдир тўсиққа тўқнашмаслик имко-
кўпаяди.

— Ҳайдовчиларга бошқариш маданияти, пьедаларга ҳурмат ҳисси синдирилмаса, ҳеч қандай чоралар ёрдам бермайди. Ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Бундан ташқари, жазо муқаррар бўлмоғи лозим, — деди ИИББ бошлиғи.

Эспатиб ўтамыз, ўтган йилнинг ўзига мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари 3,7 млн дан ортиқ ИХҚни бузиш ҳолатларини аниқладилар.

Манба: Sputnik.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Янги ДСТга мувофиқ белгилар

Россия йўлларида кўк рангли чизик ва янги белгилар пайдо бўлади. Асфальтдаги ушбу белгилар ҳайдовчиларга қайрилиш олиш ёки чорраҳага чиқишни тақиқлаш зонасидан ўтиб кетмаслик имконини беради.

Росстандарт буйруғи билан янги ДСТ «Йўл ҳаракатини ташкиллаштиришнинг техник воситалари. Йўл белгиси. Классификация. Техник талаблар» тасдиқланди. Росавтодор буюртмасига кўра тайёрланган ҳужжат 2018 йил 1 июндан кучга киради.

Стандартга биноан ҳаракат оқимлари ва бўлақларини ажратувчи йўл белгиларининг барча асосий турлари (битта ва иккита сидирга, узук-узук чизик, узук-узук ва сидирга чизиклар комбинацияси) оқ ёки сариқ рангда бўлиши мумкин. Шу пайтгача сариқ маркировка фақат тўхташни тақиқловчи зоналарни белгилаш учун қўлланади эди.

Бундан ташқари, чорраҳалардаги ҳаракат йўналишлари учун фойдаланиладиган узук-узук чизиклар кўк рангда бўлиши мумкин.

Асфальтга туширилаётган бир қатор янги белгилар: электромобиллар заряд олувчи станцияни билдирувчи, вафли кўринишидаги белги (чорраҳада тирбандлик юзага келганда кириш тақиқланувчи зона) ҳам жорий этилмоқда. Кейингиси эксперимент тариқасида Москвадаги 30 та чорраҳада қўлланилмоқда. Стандарт билан илк бор қайрилиб олиш зонасини белгилувчи йўналтиригич назарда тутилди — эски ДСТда фақат бурилиш йўналтиригичлари бор эди.

Янги ДСТ ҳужжатларини Божхона иттифоқининг 2011 йилдаги «Автойўллар хавфсизлиги» теҳрегламенти ва ИХҚга мувофиқлаштириш доирасида қабул қилинди.

Манба: Коммерсант.

Иккисидий-хуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
электрон бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30.

«Norma» АҚТ буйича — 200-00-90.
Рекламини жойлаштириш буйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета нашр — «ТОПРИНТ» МДЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қроқ бичими — А3. Ҳажми — 2 босма таъбиқ. Баҳоли келиштирилган нархда.
Буюртма 172. Адади 885. Газета 2018 йил 2 апрель соат 16.30 да топширилди.